



МОДЕРН ШЕЪРДА МЕТАФОРИК ТАФАККУР ТАРЗИ

Халова Мафтуна Абдусаламовна,

СамДЧТИ катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Калит сўзлар: метафора, метафорик тафаккур, модерн шеър, лирик қаҳрамон, лирик кечинма.

Маълумки, адабий тур сифатида лирика семантик кўпқатламликдан иборат. Бу лирик матн кўп маънолилигини таъминлайди ва уни турлича талқин этиш имконини беради. Ваҳоланки, бугунги адабиётшунослик илмида тўла-тўқис талқин қилиш имкониятлари ҳақидаги ягона тасаввур ўрнашиб қолган. Ҳолбуки, рус мутафаккири Б.А.Ларин томонидан айтилган “Ҳар қайси алоҳида давр – муайян адабий муҳитда – битта “нормал” талқин (шарҳ, изоҳ – М.Х.) ўрнатилиши мумкин”лиги ҳақидаги фикр адабиётшуносликда ҳозиргача муқим бўлиб қолаётир [4,66]. “Нормал” “тўла-тўқис талқин”, чамаси, “нормал” лисоний мантиқ қонуниятларига биноан яратилган бадиий фикрларга нисбатан қўлланилганда ўз самарасини беради, холос. М.Л.Гаспаровнинг кузатишича, бундай талқин “шеърдаги сўз маъноси луғатдаги сўз маъноси билан айнан тенг бўлган” XIX асрнинг иккинчи ярмидаги адабиёт, хусусан, шеърят учун хосдир. Бироқ XIX-XX асрлар оралиғида шакланган модернизм поэтикасида сўз маъноси “емирилди” ва бадиий асарнинг тугал фикр англатувчи парчасига тобе ҳолда ўзгариб, мантиқийлик ўрнини ҳар турли қоидаларга хилоф мажозий боғланишлар эгаллай борди [5,301]. Шунинг учун ҳам модерн адабиёт, айниқса шеърят “тўла-тўқис” “нормал” талқинга бўй бермайди. Дикқат қилинса, модернча матнлар структурасида муайян сўзни ўз маъносидан бирмунча фарқ қиладиган шарҳлар билан изоҳлаш устунлик қиладиган мазмунни ташкил этишнинг ўзгача механизмлари мавжудлиги сезилади. Шундай тузилмалардан бири метафорадир.

Метафора модернизм поэтикасида мумтоз адабиётдаги мажоздан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Модернистик метафора кўпқатламли структурага эга. Метафора табиатига хос кўп маъноlilik кўрсатмасига бўлган талаб, айниқса, тарих ва илмий дунёқарашларда даврлар ўзгарган пайт – XX-XXI асрлар оралиғида янада кучайди. Дунёнинг кўникиб қолинган картинасини гавдалантириб келган илгариги қадриятлар, координаталар ва мантиқий алоқаларга ишончинг йўқолиши ортидан ассоциатив алоқалар долзарблик касб этди. Ўз табиатига кўра мантиққа зид алоқаларни очиб ташловчи метафора дунёни идрок қилиш принципига айланиш орқали санъатда муҳим роль тута бошлади. Модернизм лирикасида бир қадар “улғайган”, кўп субъектли ва бунинг ортидан кўп даражали бўлган метафора янги вазифа – матнни ташкил этиш функциясини ўз зиммасига олди. Бундай структура турлича уқишни туғдиради ва биргина йўналишдаги талқинга қаршилиқ кўрсатади.

Бироқ, ҳали-ҳануз ўзбек модернистлари ижодидаги метафорага анъанавий тарзда фақат тор маънодаги троп сифатида қараб келинмоқда. Унинг кўп қатламли структураси ва кўп сонли семантик ҳамда структур алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари эътибордан четда қолаётир. Шу аснода, дунёнинг специфик картинасини гавдалантириш воситаси саналадиган айнан шу структур алоқалар ва улар орқали юзага келадиган маънолар модернизм поэтикасининг ўзига хос хусусиятларини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиётшунослигида кўп қатламли метафора поэтик тафаккурнинг ҳал қилувчи тамойили ва бадиий матн



структурасининг асоси сифатида тадқиқ этилмаган.

Метафора тилшунослик нуқтаи назаридан тил ва тафаккурнинг фавкулудда аҳамиятга эга ходисаси сифатида ҳар томонлама ўрганилган. Кўп сонли концептуал тафовутларга қарамай бу тадқиқотларнинг барчаси бир умумий фундаментал асосга эга. Улар “бир предметнинг хусусиятларини бошқасига ўхшашлик тамойили асосида ўтказиш”га [7,623] асосланадиган “энг кўп тарқалган кўчим” [6,533] – “биринчи даражали” [5] метафорани тушунтириб беради. Айни пайтда, баъзи тадқиқотчилар уни алоҳида кўчим сифатида текшириб ўтсалар (буни “тор ёндашув” деса ҳам бўлади), бошқалари (“кенг ёндашув” тарафдорлари) мажозийликнинг асоси сифатида кўриб ўтадилар. Биз метафорага нисбатан “кенг ёндашув” тамойилини “ҳар қандай мажозийлик” сифатида тушунган ҳолда унга асослашга ҳаракат қиламиз.

Метафоранинг тузилиши бинар (кўшалок структурали). Уни ташкил қиладиган иккита “туб маъно” метафоранинг “бош” ва “ёрдамчи” субъектлари деб юритилади [2,163]. Унинг кўпгина луғатларда шарҳланган бинар ва мажозий (шартли, кўчма) мақоми – метафора ҳақидаги классик назариянинг асосий ҳолатларидан ҳисобланади. Метафора муаммоси олимлар хаёлини Арасту яшаган замонлардан то бугунгача банд қилиб келмоқда. Айни пайтда, метафора деганда “кўпроқ ўхшашлик, аналогия тамойилига, қисман – ходисаларнинг карама-қаршилигига асосланадиган энг кўп тарқалган кўчим” [6,533] тушунилади. ЎТИЛда унга куйидагича изоҳ берилган: “Метафора (юн. *metaphora* – кўчириш, кўчим) адабиётда сўз ёки иборани ўхшашлик ёки ўхшатишга асосланган кўчма маънода ишлатиш ва шундай маънода ишлатилган сўз ёки ибора; истиора, мажоз (мас, қулоқ сўзининг дуторнинг қулоғи бирикмасидаги маъноси метафора асосида юзага келган)” [8, 2].

Метафора кундалик, илмий ва бадиий нутқда ҳам кенг тарқалган. Назмда эса у алоҳида ўрин тутаяди: “Поэтик нутқ

ўз моҳиятига кўра кўп маъноли. Шунинг учун ҳам метафора ўзининг табиий ўрнини айнан поэтик нутқда топади. Унинг вазифаси – образларни, тасаввурларни чорлаш, ахборот етказиш эмас, балки уни индивидуаллаштиришдир” [1,367]. Демак, метафоранинг асосий вазифаси – образ яратиш – унинг структурасини шартлантиради. Ушбу структурани тавсифлаш учун М.Блэк “метафоранинг бош субъекти ва кўмакчи субъекти” терминини муомалага киритган [2,163]. Рус олимаси Н.Д.Арутюнова ушбу терминлардан фойдаланиб метафоранинг тўрт компонентли теран таркибий қисмдан иборат концепциясини ишлаб чиққан: “...метафора қурилишида унинг юзаки структурасидаги шартли белгилари қисман изоҳланадиган иккита маъно (иккита объект) – М.Блэк таърифлаганидек, метафоранинг асосий ва ёрдамчи субъектлари ва ҳар бир объектнинг баъзи бир хоссаларидан иборат тўртта компонент иштирок этади. Метафоранинг турли хилларида унинг ички тузилишига хос турли элементлар изоҳланади. *Одам тунда эриди* дейилганда, метафоранинг ёрдамчи субъекти (қор, муз) *эримоқ* феълининг маъносидан келиб чиқади. Метафоранинг маъносини ёрдамчи субъект аломатлари белгилайди. Метафоранинг бош натижаси, унинг мақсади асосий субъектнинг аломатларини юзага чиқариш ҳисобланади” [1,367-368]. Мисол учун, У.Носирнинг “*юррак сенсан менинг созим*” метафорасида бош субъект *юррак* экспликация қилинган (шарҳланган), ёрдамчи субъект – *жонли мавжудот* (туб маъно) эса *менинг созим* феълидан келиб чиқаётир. Ёрдамчи субъект аломатларидан метафора бош субъектининг аломатлари олиб чиқилмоқда: *юррак – менинг дардларимни элга ёядиган озурда жон – сенсан*. Шундай қилиб, анъанавий маъносида тушунадиган бўлсак, метафора ўтган аср бошидаги шеърятимизда кўчим сифатида образ яратаяпти ва икки уланмайдиган семантик майдонни битта яхлит майдонга бирлаштираяпти. Бундай



метафорани шартли тарзда “мумтоз” метафора деб атаймиз.

XX асрнинг сўнги ўн йилликларида юз берган воқеалар, айниқса, мустақиллик ўзбек адабиётини ҳам ўзгартириб юборди. Ўзбек адабиёти тубдан ўзгарган миллий онг, тамомила янгиланган эстетик ўзгаришларнинг маҳсули сифатида фикрлаш тарзи, ижод қилиш йўсини ўзгача ижодкорларни юзага чиқарди. “Бу давр шеърлятида ўткир гап айтиш, доно фикр билдириш, насихат, ақл ўргатиш эмас, балки инсон руҳининг мураккаб, исмсиз манзараларини акс эттиришга эътибор кучайди. Ҳиссиёт қатламларини тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги бой ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга уриниш кучайди” [9,77].

Модернизм метафораларида маъно хиралиги ва окказионаллиги авжига чиқди. Метафоранинг ғоявий вазифаси трансформацияга учради. Модернистик метафора нафақат дунё образини қайта тиклаш, балки унинг беқарор ва ўзгарувчанлигини гавдалантириш йўсинига, “ҳамма қадриятлар нисбийлиги ва барча ҳақиқатлар тенглиги” декларациясига айланди. Бунинг натижасида метафоранинг таркибий тузилиши ҳам ўзгарди: “...бош метафора ўша пайтнинг ўзида турли йўналишлар бўйича кетаётган иккинчи даражали бир ёки бир нечта ҳосила метафораларни метафоризациялаш объектига айланади. Мураккаб бутуннинг барча элементлари муҳимлик касб этишининг қатъий иложи бўлмай, қурилманинг иррационаллик таассуроти энг юқори чўққисига кўтарилади” [3,320-321]. Кўшалок семантик қатламларнинг бирикиши ва образли метапаражанинг туғилиши модернистик метафора учун фақат биринчи даража ҳисобланади. Биринчи даражадаги бу метафора бош субъект сифатида бошқа бир, ёрдамчи субъект мақомидаги учинчи семантик қатор билан бирлашиб, иккинчи даражали янги метафорани ҳосил қилади ва ҳоказо. Семантик жиҳатдан бир-бирига номувофиқ метафораларнинг чексиз миқдорда бир шодага тизилишидан ғаройиб

иррационал образлар туғилиб, ўзида дунёни ҳис этишнинг омонатлигини, парчаланувчанлигини мужассамлантиради. Модернизм лирикасида бошланғич метафора ўзининг ясама шингиллари билан кенгая бориб, жамики матнни ўз таркибига кўшиб олади. Бу ҳодисани шартли равишда “метафорик тафаккур шеърляти” дея атаймиз. Метафорик тафаккур қонунларига биноан тузилган матн биргина маънода талқин қилинишга монелик кўрсатади. Унинг кўп қатламли метафорадан қад кўтарган структураси принципиал жиҳатдан фарқ қиладиган кўп томонлама таҳлилларнинг гарови ҳисобланади. Метафорик тафаккурга мисол тариқасида Р.Парфининг “Тавба” тўпламидан ўрин олган шеърлардаги метафораларнинг тузилиши ва вазифасини кўриб чиқамиз. Айни пайтда, метафорикликни кенг маъносида – мураккаб қурилмали маъжозийлик маъносида тушунамиз. Образ яратишда қатнашадиган жамики метафорик контекстни метафора деб оламиз. “Тавба” шеърлар тўпламининг биринчи шеъри ҳам “Тавба” деб аталади. Аслида китобнинг номланишига улги бўлиб хизмат қилган бу сонетлар гулдастаси бутун бошли тўпламнинг моҳиятини ифодалаб, шоир умри мазмунидан ҳикоя қилади. Шеър анъанавий сонет шаклидаги уч алоҳида қисмдан иборат. Биринчи қисмда лирик қаҳрамон Аллоҳга мурожаат қилар экан, турмушнинг “аёвсиз енгилликлари”дан ёзғиради:

1. Додимни эшитгил, қодир Аллоҳим,
Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен қулингман.
Лойиқман қаҳринга, дўзахим-боғим,
Омонат деворман, ўтман, қулингман.
Рубъи маскун ичра сайёд, ўзим сайд,
Ортиқ мадорим йўқ, воқифсан ахир.
Манглайда ёзилган фармонингни айт,
Даъват қил, гуноҳкор бандангни чақир.
Иймон бер руҳимга, жисмимга жон бер,



Лойимни қориштир, поклаб бер менга.

Ожиз томиримга покиза қон бер,
Равшан қил, қорамни оқлаб бер менга.

Охират илмидан қил мени оғох,
Муродим шаъмини сўндирма, Аллоҳ [11, 229].

Биринчи банд мураккаб метафорик тузилишга эга. Ёйиқ метафора сифатида у Баҳоуддин Нақшбанднинг китобга эпиграф қилиб олинган “Ишқда ақлу тану дилу жон бўлмас” ўғитини ёйиқ тарзда изоҳлаб келмоқда. Аммо, биринчи даражали бу метафора бир вақтнинг ўзида метафорик тафаккурнинг кўпқатламли ифодаси ҳамдир. Бу ерда “*Ишқ сенсан, ошиқ ҳам сен, мен қулингман*” метафораси икки семантик қатор: “қандайдир ҳодиса (ҳаракат)” ва “китоб эпиграфи” маъноларини ягона образга бирлаштираяпти.

“*Омонат деворман, ўтман, қулингман*” метафораси инсон иродасига бўйсунмайдиган ботиний ҳолат – ибодатнинг ўта кўтаринкилигини ифодалаб, иккинчи даражани ҳосил қилаяпти. Бироқ у ҳам “қандайдир ҳаракат”ни китобнинг эпиграфи сифатида белгилаб, биринчи даражали метафора элементи сифатида қолмоқда.

Биринчи даражали метафора элементи саналадиган “*Лойиқман қаҳрингга, дўзахим-боғим*” метафораси ҳам янги маънони чақириб, учинчи даражани ҳосил қилаётир. “Ўзини аллақандай мавҳумлик ҳукмига отаётган одам” маъносини бераётган “*Лойиқман қаҳрингга, дўзахим-боғим*” метафораси ўз таркибидаги “*дўзахим-боғим*” ўхшатиши туфайли мураккаблашмоқда. Бу каби мажозлар “ғужуми” кўплаб маъноларни туғдириши ва бунинг натижасида турлича талқинларни келтириб чиқариши мумкин. Модомики, мажозий тузилмаларни ташкил этувчи унсурлардан ташқари улар ўртасидаги алоқалар ҳам турлича талқинларни юзага келтиради. Иккинчи даражали метафоранинг кутилиши мумкин бўлган бир нечта талқинларига мисол келтирамиз. Айнан тушуниладиган бўлса “*дўзахим-боғим*” ибораси:

1. Дўзахга туширсанг ҳам, жаннатга туширсанг ҳам – ихтиёринг;
2. Қаҳҳор ҳам, Раҳмон ҳам – ўзинг;
3. Сендан ўзга илоҳ йўқ;
4. Иноним қўлингдалигига ишончим комил маъноларини англатади.

Худди шу иборани кўчма маъносида тушунадиган бўлсак, қандайдир сирли, қувончли ҳолат – масрурлик юзага келганлиги англашилади: лирик қаҳрамон Яратган билан ёлғиз қолиш, унга нола-ю жола қилиш пайида жонсарак. Аммо ушбу метафорик “ғужум” мухтор ҳолатда эмас, у биринчи даражали метафора унсури сифатида китобга эпиграф бўлган улумни (ҳаракат) қайд этиб, талқиннинг янада кўп қиррали бўлишини таъминламоқда. Шеърнинг иккинчи бандида “*Рубъи масқун ичра сайёд, ўзим сайд*” деган янги метафора юзага келмоқда. У ифодалаётган ҳасрат мотиви бутун бошли шеърнинг ҳиссий бўёқдорлигини таъминлаган. Аммо, унга муносабатда биргина аниқ талқин билан кифояланиб бўлмайди. “*Сайёд*” ибораси шикорга чиққан овчи сифатида тушунилганда, бир пайтлари бажарган ва бажармаган амалларидан изтироб чекаётган лирик қаҳрамоннинг рухий тушкунлиги таъкидланаётган бўлади. Сабр-тоқати тугаган қаҳрамон Аллоҳга юзланган пайтидагина тубсиз изтиробларини хотирга олаётир. Ана шу мубҳам чалкашлик ёди “*сайд*” ибораси орқали ифодаланмоқда. Шоир Яратганнинг ҳаммасидан воқиғлигини, кузатиб турганлигини билади. Шунинг учун ҳам қисмат тузоғига ўлжа бўлгиси, Аллоҳ чақирғини тезроқ эшитгиси келади. “*Ортиқ мадорим йўқ*” дейиш орқали шоир бундай мубҳамликка, ноаниқликка тоқат қилолмаслигини баён этса, “*Даъват қил, гуноҳкор бандангни чақир*” дея ё бунга бирор чора беришини ва ёки жонини олишини сўрайди. Синтактик қурилишига кўра метафора бир вақтнинг ўзида ҳам турлича уқишни талаб қилади, ҳам бунга қаршилиқ кўрсатади.

Учинчи бандда иқдорнинг тавбага, изтиробнинг ўтинчга айланиши янада кучайтирилади: “*Иймон бер руҳимга, жисмимга жон бер, Лойимни қориштир*”



поклаб бер менга”. Кўпчиликка ҳозиргина “гуноҳкор бандангни чақир”, дея ёзғириб турган қаҳрамоннинг эндиликда “жисмимга жон бер” дейиши ғалати туюлиши, табиий албатта. Аммо “*оғиз томиримга покиза қон бер*” метафораси ифодалаб келаётган “фақат рухимни эмас, жисмимни ҳам поклаб бер” маъносини уксагина китобхон бу ғалатиликни кечириш эҳтиёжини сезади. Худди шу ерга етганда, яъни тўртинчи бандда тўртинчи даражали метафора юзага келади: “*Равшан қил, қорамни оқлаб бер менга*”. Айнан ўзи тушунмаётган англамсизликларни англаш истаги қаҳрамон бўғзидан отилаётган “*Охират илмидан қил мени оғоҳ*” деган ўтинч маъносини теранлаштиради. Тўртинчи даражали метафора шеърда аввал аён бўлган барча маъноларнинг аҳамиятини бир нуқтага жамлайди. Янги семантик майдон билан кўшилган сўнги маъно янада бойиб, “*Муродим шаъмини сўндирма, Аллоҳ*” илтижосига йўл очади. Тўрт сатҳли мураккаб метафорани схематик тарзда куйидагича талқин этса бўлади: ибтидо-ю интихонинг овушиб кетганлиги фожиаси бу китобнинг мубошири (эпиграф) бўлган, фақат тазарру орқалигина одамзод тозариши мумкинлиги шеърда бош кредо даражасига кўтарилган.

Тўрт сатҳли метафора шеърга ўлим (*фармонингни айт, бандангни чақир*) ва тириклик (*жисмимга жон бер, муродим шаъмини сўндирма*) мотивларини киритган. Бу мотивлар берадиган метафорик маъно матн ички тузилишидан сизиб чиққан. Шоир шеърятининг кўпқатламли метафоралар асосидаги рамзийликка йўғрилганлиги куйидаги фикрда ўзининг тўла тасдиғини топган: “Р.Парфи лирикасининг тимсолли образлар асосига қурилиши эса инсоннинг ижтимоий фаолиятини, маънавий ҳаётини англаш ва тушунтириш йўлидаги изланиш самарасидир” [10,223].

Хуллас, “Тавба” шеърининг тузилиши Р.Парфи бадиий оламига хос қадриятлар тизимида ҳал қилувчи ўринда турувчи тушунчалар – ўлим ва ҳаёт концептларининг кўп қатламли ёйиқ метафора ёрдамида мураккаб ягона образга бирикиши билан белгиланади. Шеърнинг асосий мотиви саналадиган тавба кўринишидаги ҳасрат метафораси ўз тузилиши ва бошқа ўхшатишлар билан муносабатига кўра матн талқинларининг турлича бўлишига хизмат қилган.

Адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – Москва: Языки русской культуры, 1999. – С. 367.
2. Блэк М. Метафора / Пер. с англ. М.А. Дмитриевской // Теория метафоры: Сб.: Пер. с англ., фр., нем., исп., польск. яз. / Вступ. ст. и сост. Н.Д. Арутюновой; Общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. – Москва: Прогресс, 1990. – С. 163.
3. Жирмунский В.М. Поэтика русской поэзии. СПб.: Азбука-классика, 2001. – С. 320-321.
4. Ларин Б.А. Эстетика слова и язык писателя. – Л.: Худож. лит., 1974. – С. 66.
5. Левин Ю.И. Русская метафора: Синтез, семантика, трансформации // Учёные записки Тартуского гос. ун-та, вып. 263. Труды по знаковым системам, IV. Тарту, 1969. – С. 301.
6. Литературная энциклопедия терминов и понятий / Под ред. А.Н. Николюкина. Институт научной информации по общественным наукам РАН. – Москва: НПК «Интелвак», 2003. – Столбик. 533.
7. Новейший философский словарь / Гл. ред. А.А. Грицанов. – Москва: Книжный Дом, 2003. – С. 623.
8. ЎТИЛ. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 2-жилд.
9. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2006. – Б. 77.
10. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 223.



11. Рауф Парфи. “Туркистон руҳи”. Сайланма. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Вафо Файзуллоҳ. – Тошкент: Шарк, 2013. – Б.229.

Халова М. Форма метафорического мышления в модернизме. Эта статья посвящена творчеству талантливого поэта Рауфа Парфи. Проанализировано стихотворение «Сожаление», занимающее особое место в творчестве поэта. Это стихотворение определяет многослойную метафору и ее структуру, ее роль в поэтическом тексте.

Khalova M. The metaphorical thinking manner in modernism. This article addresses the work of talented poet Rauf Parfi. The poem "Sorrow", which occupies a special place in the poet's work, is analyzed. This poem defines the layered metaphor and its structure, its role in the poetic text.